

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
урта махсус таълим вазирлигининг
2012 йил “26”декабрдаги
“507”-сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

Хирургия фанлари йуналиши

олий таълим муассасалари таълим йўналиши ва мутахассисликлари
умумкасбий ва махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўкув дастури

(умумий хирургия, госпитал ва факультет хирургияси, нейрохирургия,
акушерлик ва гинекология, ОЖТА, онкология, урология, анестезиология ва
реанимация, оториноларингология, кўз касалликлари)

Тошкент – 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим йуналишлари
буйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012
йил 25 декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: Тошкент тиббиёт академияси оториноларингология
кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори
Н.Э.Маҳкамова,

Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультети умумий
ва болалар хирургияси доценти, т.ф.н. Х.С.Ходиев

Тақризчилар: Тошкент тиббиёт академияси УАШ-гинекология кафедраси
мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Д.Қ.Нажмутдинова
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти
оториноларингология кафедраси мудири, тиббиёт
фанлари доктори, профессор Ш.Э.Омонов

Ўқув дастурлари Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашида тавсия
қилинган (2012 йил 28 ноябрдаги 4-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанны ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўtkазишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усусларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикиси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Хирургик фанларни ўқитишдаги инновацион таълим технологиялари;
- Хирургик фанларни ўқитишдаги педагогик маҳорат;
- Хирургик фанларни ўқитишда ўқув-услубий таъминот.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассисликнинг долзарб муаммолари;
- Янги диагностик ва даволаш усуллари.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Хиургия фанлари (умумий хиургия, госпитал ва факультет хиургияси, нейрохирургия, акушерлик ва гинекология, ОЖТА, онкология, урология, анестезиология ва реанимация, оториноларингология, кўз касалликлари)” таълим йўналиши ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари **Хиургия фанлари** (умумий хиургия, госпитал ва факультет хиургияси, нейрохирургия, акушерлик ва гинекология, ОЖТА, онкология, урология, анестезиология ва реанимация, оториноларингология, кўз касалликлари) таълим йўналиши ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий хужжатларни;
2. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёrlаш миллий дастури ва бошқа қонун хужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
3. мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
4. таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;

5. таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
6. педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
7. таълим соҳасидаги инновацияларни;
8. жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
9. жаррохлик йўналиши бўйича сўнгги ютуқларини;
10. мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
11. ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
12. замонавий таълим методларини;
13. электрон педагогика асосларини;
14. педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

1. таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
2. таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
3. қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
4. таълим сифатини назорат қила олиш;
5. хирургия фанлари буйича ўқув-методик ҳужжатларни яратади олиш;
6. таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
7. педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишининг самарали шаклларини;
8. замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
9. хорижий тилдаги манбалардан хирургик фанларни укитиш фаолиятида фойдалана олиш;
10. хирургияда электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
11. педагогларда хирургик мутахассислик билан узвий боғланган холда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
12. шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
13. хирургия фанларини укитишда таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўнималарига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

1. педагогик мониторинг олиб бориш;
2. хирургия фанларини укитишда психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
3. хирургия мутахассислиги фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
4. хирургия мутахассислиги фанларини ўқитишнинг ўқув-услубий таъминотини яратиш;

5. хиругияни уқитишда касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакалариға** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ йўналиши хиругик фанлар» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хукуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўрикномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. Таълим сифати менежменти.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битирувчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

II. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга

йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологияк компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот

ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулокотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулокот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин қасбий мулокот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулокот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

3.1. Хирургик фанларни ўқитишидаги инновацион таълим технологиялари.

Талаба билим ва кўникмалари назоратининг замонавий усуллари (OSCE ўтказиши). Хирургия фанларини уқитишида янги информацион технологияларни кўллаш (электрон ва мультимедия дарсликлар, масофавий таълим, кейс технологиялар, мультимедияли, маърузалар, мультимедияли амалий машғулотлар, иш ўйинлари, кичик гурӯхлардаги фаолият). Кўникмаларни ўзлаштириш бўйича амалий ишларни ўтказиши учун таълим воситалари ва ўқув ёндашувлар (моделлар ва муляжлар, фильмлар ва интер фаол видео, компьютер дастурлар, мультимедияли компьютерли моделлаш, виртуал реаллик системалари, талabalарни ўзида эксперимент ўтказиши, клиплар, амалий кўникмаларни бажариш). Ўқиш таълимини ҳамма даражаларини – жорий машғулот, оралиқ ва якуний назоратларда прогрессив педагогик технологияларни киритиши.

3.2. Хирургик фанларни ўқитишидаги педагогик махорат.

Республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар. Педагогик қарашлар тизимиға оид жараён ва ҳодисаларни англаш. Хирургия фанини уқитиши оркали таълим ва тарбиянинг мақсади, мазмуни, сифати, шакли, методи, воситалари, тамойиллари, шарт-шароитлари ҳамда жараённи тавсифлаш. Кадрлар тайёрлаш миллий модели. Олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш. Соғлиқни саклаш тизимидағи бирламчи оралиқ ва ихтисослашган даво бўғинларида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ҳодимлари шахсиятини, қасбий ва умумтиббий билимини, даволаш махоратини ривожлантиришга қаратиш. Хирургия фанлари йўналиши бўйича асосий ва энг охирги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинмаган адабиётларидан, халқаро семинар ва конференция материалларидан, ҳамда миллий жаҳон андозалари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш. Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Хирургик йўналишдаги инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Хирургик

фанларни ўқитиши фаолиятида инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари.

3.3. Хирургик фанларни ўқитишида ўқув-услубий таъминот.

Хирургия фанларини уқитишида кулланиладиган Ўқув – услубий мажмуа структураси билиш фаолияти этапларини ва фан мавзусини ўрганишни ташкиллаштириш шакллари, усуллари, шароитлари, таълим воситалари спецификаси ва кетма-кетлигини акс эттириш. Ўқув – услубий мажмуа ўз ичига оловчи кафедра хужжатларини, замонавий технологиялар асосида ўқитишининг турли ташкиллаштириш шаклларининг услубий материалларини (мавзулар, амалий машғулотлар, мустақил иш, оралиқ ва якуний назоратлар), ўқитувчи кейсни, тарқатма материални, амалий ишлар ва кўникмаларни бажаришни замонавий асбобли таъминотини, фан бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан фойдаланиш. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Назарий ихтисослашган конкрет кафедрада тавсия қилинган иш ўйинлари тўплами, OSCE ва бошқа педагогик технологияларни қўлланиш имкониятларини ва усулларини билиб олиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Хирургия мутахассислигининг долзарб муаммолари.

Тиббий олий ўқув юртлари ўқув жараёнига хирургик фанларни илмий услубий асосларини жорий қилиш, хирургик касалликларни этиологиясини, патогенези, патоморфологияси, патофизиологияси, клиника ва диагностика, даволаш ва профилактика бўйича шаклланган билим ва амалий кунилмаларини, даволаш маҳоратини ривожлантиришга каратилган. Хозирги вактда кенг таркалган хирургик касалликларни, социал муаммо хисобланган касалликларни барвакт аниглаш ва даволаш муаммоларини урганиш, хозирги замон илм-фан ютуклари асосида сунгги диагностик ва даволаш усулларини ёритиш. Шу долзарб муаммо булган касалликлар хакидаги маълумотларни ўқув жараёнига жорий қилиш, уларни ўқиши-ўқитиши янги интерактив усуллари билан танишиш. Хозирги вактда дунё хирургиясида амалиётга киритилаётган янгиликлар, уларнинг афзаллик томонлари, хирургик касалликларнинг келиб чикиши, кечишига янгича ёндошишлар.

4.2. Янги диагностик ва даволаш усуллари.

Тиббий олийгохларда хирургик фанларни ўқитишида хозирги замонавий клиникада қўлланадиган диагностик ва даволаш асбоб - ускуналар билан ва уларни ишлаш принциплари билан таънишиш. Замонавий янги диагностик усуллар магнит-резонанс томография, компьютер томография, позитрон-электрон томография усуллари билан танишиш, уларнинг ишлаш принципини урганиш, бу усуллар самарали булган холатлар, касалликларни аниглаш. Дунёвий хирургияда янги даволаш усуллари, хусусан, операция усуллари билан танишишиш, хозирги вактда тадбик этиш бошланган “Да Винчи”

робот-хирургик ускуна мажмуасининг ишлаш принциплари, эҳтиёж ва афзаликлари хакида маълумот бериш.

V. Танлов фанлари модули

Таълим соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илфор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб бориш. Амалий машғулотлар замонавий лаборатория жиҳозларига ва хар бир жарроҳлик йўналиши учун зарур бўлган асбобларига эга бўлган модул ва аудиторияларда, ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этиш.

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмuni

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмuni танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қўйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмuni:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслерини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услугубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услугиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Хирургия фанларини укитишда инновацион педагогик фаолиятнинг назарий асослари.
2. Замонавий педагогик технологиялар орқали хирургия фанларини ўқитишини лойиҳалаш.
3. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
4. Хирургия фанларини укитишда электрон ўқув-методик, интернет материалларидан фойдаланиш аҳамияти
5. Хирургия фанларини укитишда тиббий адабиётлар ва монографиялар билан, илмий –методик қулланмалар билан ишлаш
6. Хирургия фанларини олиб боришида тиббий деонтология асослари
7. Талабаларни амалий билимларини оширишда “клиник аудитнинг” аҳамияти
8. Интеграл семинарларни Хирургия фанларини укитишдаги аҳамияти.
9. Хирургия фанларини укитишда маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси.
10. Талабаларни амалий билимларини оширишда муаммоли ўқитишини аҳамияти.
11. Хирургия фанларини укитишда тарқатма материалини ишлаб чиқиш ва расмийлаштирилган ҳолда топшириш.
12. Хирургия фанларини урганишда вазият масалалар комплексини ишлаб чиқиш ва унинг аҳамиятини тахлил килиш.
13. Мутахассислик фанларини урганишда тест назорати саволларини тузиш коидалари ва уларни тахлил килиш.
14. Хирургия фанларини урганишда тажриба моделларини тайёрлаш, иш ўйинларни тузиш.

15. Хиургия фанларини ургатишда амалий машгулотлар вактида кроссворд тузиш, сканвордлар, чайнвордлар, ребуслар ишлаб чиқиши.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- хар бир хиургик йўналиши бўйича фаннинг барча маъruzаларига замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотлар бўйича хар бир жарроҳлик йўналиши учун зарур бўлган замонавий асбобларига эга бўлган модулларни яратиш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъодод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.

16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
23. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
24. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
25. Б.Ф.Қодиров. У.Бегимқулов, А.А.Абдуқодиров. «Ахборот технологиялари». Электрон дарслик. 2002 й. 213 б.
26. Ишмухаммедов Р.Ж. «Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиши самарадорлигини ошириш йўллари» Тошкент: 2000й. 161 б.
27. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2003 г. 316 с.
28. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
29. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикӣ асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
30. Юлдашев У.Ю. Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М. Информатика - Т., 2002 й. 163 б.
31. Vocational Education in the United States: Toward the Year 2009. Wash., D.C.: U.S. Dep. of Education, 2010. - 390 p. Mode of access: <http://nces.ed.gov/pubs/search/index.asp>

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.press-uz.info
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. www.ziyonet.uz
12. www.edu.uz
13. www.pedagog.uz
14. www.tdpu.uz
15. <http://nces.ed.gov/pubs/search/index.html>
16. [http://emedicine.com/ent/NASAL AND SINUS DISEASES.htm](http://emedicine.com/ent/NASAL%20AND%20SINUS%20DISEASES.htm)
17. [http://www.emedicine.com/ent/MEDICAL TOPICS.htm](http://www.emedicine.com/ent/MEDICAL%20TOPICS.htm)

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор У.Ш.Бегимқұлов
25.06.2012 г.

М.У.



Тоннект тиббият академияси хузуридаги
педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор С.Баймаков
2012 г.

М.У.

КЕЛИШИЛГАН:



Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи Ш.Э.Атаханов
2012 г.

М.У.